# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 3 октябрь, № 194 (5868) Пайшанба


# СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

## мамлакатимизнинг буюк келажагини барпо этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, илк сабоқни мактабда олади, меҳридарё ўқитувчиси кўмагида оқу қорани танийди. Шу боис мактабни муқаддас даргоҳ деймиз, қўлимизга қоғоз-қалам тутқазиб, ёзув-чизувни ўргатган инсонларни устоз, дея қадрлаймиз. Айниқса, бу шарафли касб эгаларига бўлган муносабат истиқлол йилларида тубдан ўзгарди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ўқитувчи ва мураббийлар чин маънода қадру эъзоз топди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан йўллаган табригида айтилганидек: "...инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди".

### ҒАМХЎРЛИК

Дарҳақиқат, таълим тизимидаги изчил ислоҳотлар ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтириш, янада юқори поғонага олиб чиқишга хизмат қилаётир. Бу масъулиятли жараёнда ўқитувчиларнинг касб малакаси ва маҳорати, билим ҳамда тажрибасини ошириш катта аҳамиятга эга. Қолаверса, бугунги кунда педагог кадрлар меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Истиқлол бизга беқиёс имкониятлар берди, — дейди "Шуҳрат" медали соҳибаси, пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Машрабхон Умарова (суратда). — Бугун замоннинг ўзи ёшларга нафақат чуқур билим беришни, балки уларнинг қалби ва онгига энг эзгу ғояларни жо этишни, миллий манфаатларимизга ёт мафкуравий ғоя ва таъсирлардан ҳимоялашни талаб этаётир.

(Давоми 2-бетда).

# хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Шу йилнинг биринчи ярмида Тўрткўл туманида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 17 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.*

## Тадбиркорлар ташаббуси

Бунинг учун молия муассасалари томонидан 13,7 миллиард сўмлик кредит йўналтирилди.

Хусусан, тадбиркор Маҳмуд Исмоилов саъй-ҳаракати билан "Тўрткўл стиль" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Натижада тумандаги 20 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

— Банк кредити ва ўз маблағимиз ҳисобига корхонамизни Жанубий Кореянинг замонавий тикув дастгоҳлари билан таъминладик, — дейди М. Исмоилов. — Бу билан йилига беш минг дона тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғидаги Қияли маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 13 та тураржой биноси ўз эгаларига топширилди.*

## Ёш оилалар қувончи

"Ихтисослашган Шаҳрихон қурилиш" хусусий корхонаси бинокорлари томонидан барпо этилган мазкур иншоотларда барча қулайлик мавжуд.

— Обод турмуш йили кўплаб ҳамқишлоқларим қатори оиламизга ҳам қувонч олиб кирмоқда, — дейди тумандаги "Коинот" фермер хўжалиги раҳбари Соҳибжон Худойбердиев. — Яқинда уч хонали шинам уйга кўчиб ўтдик. Ҳовли тўйимиз ўғлимнинг никоҳ тўйига уланиб кетди. Энди бу ерда роҳат қилиб яшаймиз.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Учқўрғон туманидаги "Жаҳон евро сервис" масъулияти чекланган жамиятида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги лойиҳа рўёбга чиқарилди.*

## Модернизация учун инвестиция

Қайқи қишлоғида фаолият кўрсатаётган мазкур кичик бизнес субъекти эндиликда маҳаллий ёшлардан 40 нафарини ўз бағрига олди. Улар замонавий дастгоҳлар ёрдамида импорт ўрнини босувчи кийим-кечаклар ишлаб чиқаришаётир. Мазкур лойиҳа рўёби учун 105,3 минг АҚШ долларилик сармоя йўналтирилди. Айни пайтда бу ерда йилига 800 минг донадан зиёд маҳсулот тайёрлаш мумкин.

— 2013 — 2015 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йил бошидан буён 323 та лойиҳа амалга оширилди, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бўлим бошлиғи Окибжон Иномов. — Айни жараёнда янги қувватларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш тадбирларига 32,3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Тоғли ҳудудлар ҳамда лалми экин майдонларини томчилатиб суғориш катта самара бериши амалда ўз исботини топмоқда. Шу боис бу борадаги инновацион ғоялар қишлоқ хўжалиги тармоғига изчил татбиқ этилаяпти.*

## Томчилатиб суғоришда қўлланилади

Шўрчи туманидаги "Техпласт сервис" масъулияти чекланган жамияти ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб томчилатиб суғоришга, мўлжалланган полиэтилен қувурлар тайёрлашни йўлга қўйди. 95 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига амалга оширилган мазкур лойиииҳа туфайли ўн кишининг бандлиги таъминланди.

Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган қувурлар, асосан, интенсив боғ барпо этаётган фермер хўжаликларига етказиб берилмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Жиззах туманидаги "Абрам Сувонқулов" масъулияти чекланган жамиятида 115 минг АҚШ долларилик модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ортиб, маҳсулот сифати тубдан яхшиланди.*

## Сифати яхшиланди

— Бунинг учун ўз маблағимиздан ташқари банкнинг 40 миллион сўмлик кредитидан фойдаланиб, хориж технологиясини ишга туширдик, — дейди жамият раҳбари Саодат Сувонқулова. — Айни пайтда йодланган ош тузини бежирим қадоқларда буюртмачиларга етказиб бераяпмиз. Яқинда Хитойга бориб, янги ускуналар харид қилиш бўйича шартнома тузиб келдик. Йил охиригача умумий қиймати 85 минг АҚШ долларига тенг бўлган қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳани амалга оширишни режалаштираяпмиз.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БРЮССЕЛДАГИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

*Мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Брюссель мэриясининг Готика залида Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими ўтказилди.*

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Ушбу муҳим тадбирда Бельгия вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, Европа комиссияси, Европарламент, дипломатия корпуси вакиллари, ишбилармонлар, жамоат арбоблари, эксперт ҳамда журналистлар иштирок этди.

Маросим чоғида унинг қатнашчилари Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар, шунингдек, давлатимиз ўз тараққиёт йўлининг мазмун-моҳияти, бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг самаралари билан атрофлича танишдилар.

Ўзбек халқига ўзининг энг эзгу тилакларини йўллар экан, **Европарламентнинг италиялик депутати П. Бартолоцци** мамлакатимиз халқаро майдонда ўзини ишончли шерик сифатида намоён этгани ҳамда Марказий Осиёдаги энг муҳим давлат бўлгани ҳолда, минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигининг кафолати эканлигини қайд этди.

**Европарламентнинг германиялик депутати Й. Целлер** Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон бўйича Европарламент делегациясининг аъзоси сифатида Ўзбекистонга бир неча маротаба сафар қилганини таъкидлар экан, юртимизда аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилган ислоҳотларнинг бориши ҳамда уларнинг самараларидан яхши хабардорлигини билдирди.

Юқоридагилардан ташқари, қабул маросими иштирокчилари Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, тарихий қадриятларни қайта тиклаш ҳамда саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга ҳам юқори баҳо бердилар.

(Давоми 2-бетда).

### ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

*Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши асосида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий эксперимент қизғин давом эттирилаяпти.*

# Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий мезони

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ушбу соҳада қилинаётган ишлар ҳамда галдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш каби эзгу мақсадлар рўёбига йўналтирилгани билан ниҳоятда долзарбдир.

Мазкур демократик усул ва услубларни ўзида уйғунлаштирган механизм мамлакатимиз қонунчилигида янги амалиёт ҳисобланади. Бинобарин, ушбу тадбир асносида жами 180 та субъект (89 таси Бухорода, 91 таси эса Самарқанд вилоятидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари) қамраб олинди. Қолаверса, эксперимент доирасида махсус веб-сайт (www.legalexperiment.uz) ташкил этилди. Бу эса олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг жамоатчилик, "учинчи сектор" институтлари ва оммавий ахборот воситалари ходимларини мунтазам равишда бохабар қилиш, журналистлар томонидан эксперимент ўтказилаётган субъектлар раҳбарларига бевосита саволлар йўллаш, Ишчи комиссия аъзолари, экспертларнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлаш имконини бераяпти.

(Давоми 2-бетда).

# ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

*Нуронийларимиз ҳар гал дуога қўл очганда юртимизга, бутун дунёга тинчлик ва хотиржамлик тилашади. Зеро, ушбу улуғ неъмат мужассам бўлган давлатда ривожланиш ва тараққиёт бўлади, одамлари эса фаровонлик қучоғида ҳақиқий бахт таъмини туйиб яшайди.*

### ЖАРАЁН

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ана шу ҳаётий ҳақиқатни яна бир бор тилга олар экан, барчамизни тинчлик ва омонликни таъминлаш йўлида доимо ҳушёр бўлишга чорлади.

Жумладан, "...халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим", дея таъкидлаган сўзлари замирида ушбу улкан ҳақиқат мужассам. Юртбошимизнинг мазкур табрик сўзи мазмун-моҳияти жойларда, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги "Бирлашган" маҳалла фуқаролар йиғини намунали маҳаллалардан бири сифатида эътиборга тушган. Маҳалладаги ораста кўча ва йўлаклар ҳамда дарахт ва анвойи гуллар кўзни қувонтиради. Ёшлар меҳнат қилаётган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва болалар спорт майдончаси шуларга уйғун кўринишга келтирилган.

(Давоми 2-бетда).

## 2013 йилнинг дастлабки олти ойида юртимизда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**61** **турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди.**

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тайёрланган бу маҳсулотлар ичида, жумладан, зангламайдиган консол насослар, синтетик калава, янги турдаги ҳаво фильтри, шунингдек, мойлаш ва ёқилғи фильтрлари, аккумулятор моноблоклари, ер устида ҳаракатланадиган транспорт учун хавфсизлик ойналари, микротўлқинли печь бўлиб, буларнинг бари импорт ҳажмини камайтириш, экспорт улушини кўпайтириш имконини берди.

# БРЮССЕЛДАГИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**ERS-Academy компаниясининг бош ижрочи директори Д. Ватле** қайд этганидек, турли семинар ва конференциялар доирасида ўтказилаётган учрашувларда хорижлик тадбиркорлар Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётгани ва у чет эллик сармоядорларга ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар таклиф этаётганига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

**Нидерландиянинг Вагинен университети профессори Е. Виетсма** Ўзбекистонни ноёб маданий қадриятларга, меъморий дурдоналарга, шунингдек, меҳмондўст ва меҳнаткаш халққа эга бўлган мамлакат, дея таърифлади.

— Менинг фикримча, атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилаётган эътибор давлатингиз порлоқ келажагининг кафолати ҳисобланади, — деди профессор. — Мана, ўн йилдан зиёд давр мобайнида Ўзбекистон олий ўқув юртлари, жумладан, Тошкент ирригация ва мелиорация институти билан самарали шериклик муносабатларини қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз.

**Бельгиядаги "Споетник" маданий ташкилоти раиси, "Contact" нашри муҳаррири Р. Лапорте** ҳам мамлакатимиз билан ўрнатилган маданий ҳамкорлик алоқаларидан қониқиш ҳосил қилганини билдирар экан, Ўзбекистоннинг таълим тизимини такомиллаштириш ва ўқув муассасаларини модернизациялашга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсати эътиборга сазовор эканлигини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, юртимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги кўрсаткичлари ҳам диққатга моликдир.

**Брюссель пресс-клубининг аъзоси Ж. Руссе** Ўзбекистонни "Чуқур маънавий қадриятларга эга бўлган мамлакат", деб атади. "Ўзбеклар оиласи институтининг мустаҳкамлиги, унда ҳукм сураётган ҳамжиҳатлик ва меҳмондўстлик сингари фазилатлар бельгияликларни ўзига мафтун қилади", деди у.

Ж. Руссенинг қайд этишича, қабул маросими доирасида намойиш этилган фотосуратлар кўргазмасидан ҳам ўзбек халқининг нақадар бой маданиятга эга эканлигини билиб олиш мумкин. "Чунки уларда Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти билан бирга, халқнинг кўҳна тарихи, бетакрор меъморий ёдгорликлари ва ўзига хос санъати яққол ифодасини топган", деди Ж. Руссе.

Тантанали қабул маросими сўнгида тадбир меҳмонларининг эътиборига ўзбек фольклор ансамбли аъзолари томонидан тайёрланган маданий дастур тақдим этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

# ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда бу ерда Юртбошимизнинг табрик сўзларида билдирилган фикр ва тавсияларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, ёшларни она-Ватанга ҳамда истиқлол ғояларига садоқат, тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш йўлида курашувчанлик руҳида камолга етказишга бағишланган "Мустақиллик — эркин ва фаровон ҳаёт" мавзуида учрашув ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, ота-оналар, фахрийлар ҳамда ҳудуддаги таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди. Тадбирда мустақилликнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳамда тинчлик ва тотувлик қадри ҳақида тушунчалар берилди, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишларидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва қўлга киритилаётган ютуқларнинг бир қаноти мустақиллик бўлса, иккинчиси, бу, шубҳасиз, тинчлик ва осойишталигимиздир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулазиз Киргизбаев.



— Диёримиздаги тинчлик, тотувлик боис кейинги йилларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида, шу жумладан, бизнинг маҳалламизда ҳам жуда кўплаб хайрли ишлар рўёбга чиқарилиб, йиғинимиз обод ва ораста масканга айлантирилди. Барпо этилган олтмишдан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда яна бошқа кўплаб иншоотлар ҳудуд кўркига кўрк қўшиб турибди.

Дарҳақиқат, мазкур маҳаллада хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш йўналишидаги ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Фуқаролар йиғинининг тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси самарали фаолият кўрсатмоқда. Натижада ҳозирги пайтга келиб, ушбу фаолият тури билан шуғулланаётган оилалар сони тобора ошиб бормоқда.

Маҳаллада яшайдиган 1,5 мингга яқин ўғил-қизнинг қарийб барчаси фуқаролар йиғини қошида ҳамда ҳудуддаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган турли тўгарак ва спорт секцияларига қатнайди. Тўгараклар орасида "Ораста қизлар"нинг алоҳида ўрни бор. Ушбу тўгаракнинг қизларни ҳаётга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш борасидаги ўрни, айниқса, жуда салмоқли бўлмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

— Қизларни турмушга, яъни уй-рўзғор юмушларига тайёрлашда "Ораста қизлар" гуруҳи фаолияти муҳим аҳамият касб этаяпти, — дейди пойтахтимиздаги Турин политехника университети талабаси Ҳилола Асранова. — Ўқув юртида ташкил этилган "Ораста қизлар" гуруҳининг етакчисиман. Ҳозир маҳалладаги ҳар бир кўп қаватли уй ва кўчага гуруҳ аъзоларини бириктирдик. Улар ўзлари яшаб турган жойда ободончилик ишларига ҳам кўмаклашишмоқда. Бундай тадбирларга нафақат маҳалламиз ёшлари, балки ҳудудимиздаги таълим муассасалари ўқувчиларини ҳам қамраб олаяпмиз. Натижада бугун гуруҳнинг фаолият кўлами кенгайиб, бизга қўшилаётганлар сони кўпаймоқда.

Умуман, юртимизнинг ҳар бир шаҳри, қишлоқ ва овулида бугунги замонга мос шиддат ва юксалишларнинг гувоҳига айланасиз. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жойларда ана шу кўринишда яққол намоён бўлмоқда. Зеро, истиқлолдан куч олган ҳамда тинчлик ва тотувликни қадрлаб, "дунёда тинчлик бўлсин", деб яшаётган халқимиз бундан ҳам улкан чўққиларни забт этишга қодир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, ҳудудларда ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Ҳозирги пайтга келиб, экспериментнинг ташкилий-ҳуқуқий базаси тайёрлангани, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун лойиҳаси нормаларида белгиланган очиқлик режимида фаолият кўрсатишига доир тартиб-қоидалар ишлаб чиқилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Вилоят ҳокимликлари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари ходимлари учун туркум семинар-тренинглар ўтказилиб, уларда низом лойиҳалари ва йўриқномалар тарқатилди. Айни чоғда эксперимент субъектларида ахборот хизматлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти изчил такомиллаштирилиб, бу борада услубий ёрдам кўрсатилмоқда. Жамоатчилик, шу жумладан, фуқаролар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, мазкур хизматларда фаолият юритаётган кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булардан ташқари, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборот билан бемалол ва эркин танишишлари учун жойларда махсус стендлар, бурчаклар ташкил қилинди. Шунингдек, давлат органлари фаолияти ҳақида ахборот берувчи муҳим манба — уларнинг веб-сайтларини очиш, мазмуни ва дизайнини такомиллаштириш, янгилаш, бу борада амалий кўмак бериш, мониторинг қилиш ҳам диққат-эътибордадир.

— Республика ишчи комиссияси ҳамда вилоятда тузилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари, чунончи, давра суҳбатлари, брифинглар, матбуот анжуманлари, тасдиқланган медиа-режа асосида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар мунтазамлиги таъминланаётир, — дейди қўмита аъзоси Ш. Деҳқонов. — Масалан, юздан ортиқ мақолалар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар берилиб, уларнинг аксарияти ОАВнинг интернетдаги веб-сайтларидан ҳам ўрин олди. Қолаверса, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қонун нормаларини қўллаш юзасидан бир қатор тушунча ва тавсиялар тақдим этиб келинаяпти. Ўз навбатида, вилоят ҳокимликлари расмий веб-сайтларида ҳуқуқий эксперимент ҳақида махсус бўлим ташкил этилиб, унда мазкур йўналишга оид барча материаллар тўлиқ кўрсатиб борилаяпти.

Семинарда ҳудудларда бажарилаётган ишлар аниқ мисоллар асосида таҳлил этилди.

— Ахборот хизматларининг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани эътиборга лойиқ, — дейди қўмита аъзоси Д. Холиқова. — Буни Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунга келиб, вилоят ҳокимлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари мансабдор шахслари, бошқа ташкилот ва идоралар вакиллари томонидан ОАВда жами 2256 та чиқиш қилинганини айтиб ўтиш жоиз. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари томонидан 11, вилоят бошқармалари раҳбарлари томонидан 23 та матбуот анжумани ўтказилган. Бу борада Бухоро шаҳар ҳокимлиги, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари, божхона, мудофаа ишлари, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр бошқармалари фаоллигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ваҳолонки, аввалги йилларда бундай тадбирлар фақатгина вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати томонидан ўтказиларди. Эндиликда бундай анъана бошқа бошқарув тузилмаларида ҳам қулоч ёзиб бораётир. Булар қаторида вилоятдаги эксперимент субъектлари фаолияти ҳақида интернет-саҳифаларида ҳар ҳафтада камида бир маротаба ахборотлар янгиланиб, идоранинг ташкилий тузилмаси, раҳбарияти (боғланиш телефонлари, расмий электрон почта манзили билан бирга), аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхати, уларни амалга ошириш тартиби ва бошқа маълумотлар мунтазам равишда тақдим этилмоқда. Айниқса, вилоят статистика, маданият ва спорт ишлари, адлия, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Бухоро шаҳар ҳокимлиги расмий веб-сайтлари бу борадаги талабларга тўлиқ жавоб бера олади.

Мазкур электрон манзилларда юқоридаги маълумотлар билан бир қаторда, алоҳида саҳифа орқали идоралар ҳайъат йиғилишлари, унинг санаси ва кун тартиби ҳақида олдиндан эълонлар бериб борилмоқда. Натижада буларнинг барчаси аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида бевосита иштирок этиши, ўзи учун керакли маълумотларни олишида муҳим омил бўлмоқда. Ўтган даврда вилоят (176 та), шаҳар, туман (244 та) ҳокимликлари, корхона ва ташкилотларга 976 та — жами бир минг 396 та сўров келиб тушган бўлса, уларга қонун лойиҳаси талаблари асосида жисмоний ва юридик шахсларга 15 кун ичида, ОАВ ходимларига эса бир ҳафта мобайнида тегишли жавоблар қайтарилган.

— Самарқандда эксперимент доирасида бир қатор ишлар бажарилди, — дейди вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби М. Ибодуллаев. — Масалан, оммавий ахборот воситаларида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари томонидан 103 та, бошқа ташкилот ва идоралар вакиллари томонидан 1976 та, жами 2140 та чиқиш қилинган. Шунингдек, ҳудудда брифинг, давра суҳбати ва матбуот анжуманлари ўтказилиб, улар вилоятдаги телерадиоканаллар ва газета-журналларда кенг ёритилди. Айни чоғда вилоятдаги 91 ҳуқуқий эксперимент субъектининг 57 тасида алоҳида веб-сайт яратилиб, уларнинг фаолияти такомиллаштириб борилаётир. Вилоят ҳокимлигига 274 та, шаҳар, туман ҳокимликларига 368 та, корхона ва ташкилотларга 2 минг 194 та — жами 2 минг 836 та сўров келиб тушган бўлиб, уларга қонун лойиҳасида белгиланган муддатларда жавоб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, вилоят халқ таълими бошқармасига эксперимент бошлангандан буён 26 та сўров келиб тушган бўлса, улар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ўз вақтида қаноатлантирилди.

Семинарда бу борада учраб турган муаммо ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз борди. Жумладан, ҳар иккала вилоятдаги баъзи тузилмалар, айниқса, шаҳар ва туманлар таркибидаги бошқарув органларида ахборот хизматлари, веб-сайтларни ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини шакллантириш, мазмун-моҳияти ва дизайнини маромига етказиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мурожаат ва сўровларни кўриб чиқиш, уларга ўз вақтида жавоб берилишини таъминлаш, бу борадаги мониторинг самарадорлигини кучайтириш, тегишли медиа-режалар ишлаб чиқиб, уларни сўзсиз бажариш, кадрлар малакасини илғор стандартлар асосида ошириш бугунги кун тақозосидир.

Қонун лойиҳасининг эксперименти жараёнида яна шу нарса кузатилмоқдаки, тадбиркорлик субъектларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот сўрови билан қилаётган мурожаатлари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уч баробарга ортган. Масалан, Бухоро шаҳар ҳокимлиги томонидан ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ишни нимадан бошлаш, қандай ҳужжатлар тайёрлаш лозимлигини сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг 153 нафари, Самарқанд тумани ҳокимлигига худди шу мазмунда сўров йўллаган фуқароларнинг 118 нафари ўзига зарур ахборотга эга бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олган. Шунингдек, ҳар икки вилоятдаги Савдо-саноат палаталари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармалари, иқтисодиёт, адлия, ички ишлар, божхона, статистика, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вилоят бошқармаларидан ҳам тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган ахборотни қонун лойиҳасида белгиланганидан ҳам оз муддатларда олишга эришмоқдалар. Бу, ўз навбатида, уларнинг фаолият кўлами кенгайиши ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қонун лойиҳаси синови бўйича қизғин давом этаётган ҳуқуқий тажриба фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсати очиқлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор этишга хизмат қилмоқда. Бу эса мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

*Наманганда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ташаббуси билан "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" — "Made in Uzbekistan" деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди.*

# Маҳаллий маҳсулотлар тақдимоти

Тадбир аввалида таъкидланганидек, вилоятда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити хўжалик юритувчи субъектларни янгидан-янги лойиҳаларга қўл уришга ундамоқда. Чунончи, айни пайтда фаолият кўрсатаётган мингдан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 70 дан ортиқ турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, истеъмол бозорига чиқарилаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яна 20 турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мазкур йўналишда иш олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар маҳсулоти тарғиботига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган кўргазмада "Истиқлол текстиль дизайн", "Водий ёғоч савдо", "Дамбоғ пойабзал савдо", "Тўқимачи саноат текстиль", "Элемент паинт" сингари корхоналар эркаклар кийимлари, трикотаж маҳсулотлари, лок-бўёқ, электрод сингари маҳсулотларни намойиш қилдилар.

— Корхонамизда тайёрланаётган 15 дан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта, — дейди Наманган туманидаги "Водий ёғоч савдо" хусусий корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Алишер Раҳимов. — Шу боис экспорт ҳажмини тобора ошираяпмиз. Жумладан, йил охиригача ташқи савдо ҳажми 500 минг АҚШ долларидан ортиши кутилмоқда.

Тақдимот давомида тадбиркорлар ўзаро тажриба алмашиш билан бирга, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини ҳам белгилаб олдилар. Шунингдек, кўргазмага ташриф буюрганларни ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар билан батафсил таништирдилар.

**Қ. ТОШПЎЛАТОВ.**

# Нотариуслар маҳоратини ошириш — долзарб масала

*Самарқанд шаҳрида Адлия вазирлиги томонидан Германиянинг Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамкорлигида нотариусларнинг касбий маҳоратини оширишга бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.*

## АНЖУМАН

Маълумки, мамлакатимизда нотариат фаолияти Фуқаролик, Оила кодекслари ҳамда "Нотариат тўғрисида"ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида йўлга қўйилган бўлиб, бу фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, соҳа қонунчилиги тобора такомиллаштирилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони соҳа ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Унга асосан, нотариал идоралари самарали тармоғини тузиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг замонавий механизмини яратишга эътибор кучайтирилди.

— Қайд этилдики, эҳтиёждан келиб чиқиб, қўшимча 220 та давлат нотариал идораси ташкил қилинди ҳамда республика бўйича давлат нотариал идоралари сони 540 та, нотариуслар сони 738 нафар этиб белгиланди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 1-сон нотариал идораси нотариуси Фурқат Нарзуллаев. — Давлат нотариал идоралари моддий-техник базаси қайта кўриб чиқилди, фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам бериш учун зарур барча қулайликлар яратилди. Бу эса нотариуслар томонидан фуқаро ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ва нотариат институти нуфузини янада оширмоқда.

— Ўзбекистон миллий қонунчилигидан хабардорман, — дейди Германия Федераль нотариал палатаси вакили Ангела Шмайик. — Қонунга асосан, бўлажак нотариусга қўйиладиган малака талаблари такомиллаштирилганлиги, нотариус ёши, муддатли стажировка ўташи, қасамёд қилиш тартиби белгилаб қўйилгани ҳам ушбу институтнинг халқаро талабларга мос келишини кўрсатиб турибди.

Анжуманда нотариат институтининг ташкилий-ҳуқуқий талаби, Ўзбекистонда ушбу институтни ривожлантиришнинг қонунчилик асослари, соҳадаги тажрибани халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда янада бойитиш ҳамда нотариусларнинг касбий маҳоратини оширишда халқаро ҳамкорлик масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

## мамлакатимизнинг буюк келажагини барпо этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Педагогларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни янада фидойи бўлишга, навқирон авлодга билим бериш, уни тарбиялашдек улуғвор ишга катта масъулият билан ёндашишга, изланишга ундайди.

— Юртбошимизнинг биз, ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган самимий ва қизғин табригини катта ҳаяжон билан, тўлқинланиб тингладик, — дейди Ҳазорасп туманидаги 32-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Озод Атажонов. — Табрикдаги ҳар бир сўз биз учун катта рағбат ва масъулият эканлигини чуқур англадик. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги меҳнатларимизга берилган юксак баҳодан фахру ифтихор туйдик, қалбимиз тоғдек кўтарилди.

Табрикда самимий, эзгуликка ундовчи, устоз ва мураббийларни рағбатлантирувчи, уларга янада юксак ишонч билдирувчи сўзлар билан бирга, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларимизга холисона баҳо берилган. Таълим-тарбия соҳасида ҳали кўпгина вазифалар, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошланган ислоҳотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига йўл қўймаслик сингари муҳим вазифаларга эътибор қаратилган. Ана шу устувор мақсадларга эришишда, мурғак қалб эгаларини комил инсон қилиб тарбиялашда, илм-фан чашмаларидан баҳраманд этишда янада фидойи бўлишимиз лозим.

Ҳақиқатан ҳам, УСТОЗ номи ва шарафи улуғланадиган жамиятда яшаяпмиз. Зотан, эзгуликни ҳаёт мазмуни деб билгувчи, юрт ва фарзандлар тақдирини пок ниятлар, улуғ мақсадларга боғлагувчи ўқитувчи ва мураббийларимизнинг шарафли меҳнати ҳар қанча эъзозу эҳтиромга муносиб.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*“Coca-Cola” компанияси ўн тўрт йилдан буён дунёнинг энг қиммат савдо белгилари рўйхатини бошқариб келаётганди.*

### Энг қиммат савдо белгилари

Аммо жорий йилда у ўз ўрнини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият олиб борувчи “Apple” компаниясига бўшатиб берди. Айни пайтда мазкур брендининг қиймати 98,3 миллиард АҚШ долларига тенг, дея баҳоланмоқда.

“Google” корпорациясининг ҳам мавқеи яхшиланиб бораяпти. У тўртинчи ўриндан иккинчи поғонага кўтарилди. “Coca-Cola” эса бу гал учинчи ўринда қайд этилган.

### Бюджет харажатларини қисқартирмоқчи

*Франция ҳукумати 2014 йилда бюджет харажатларини кескин қисқартиради, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*

Маълумки, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш борасида мазкур мамлакат Европада етакчи ўринда туради. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг 33 фоизи айни шу мақсад йўлида сарфланади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 23 фоизи эса давлат секторида хизмат қилади.

Демак, келгуси йилда расмий Париж харажатларни 15 миллиард еврога камайтиришни, солиқ юкини 3 миллиард еврога оширишни кўзлаяпти. Бюджет тақчиллигини эса 4,8 фоиздан 3,6 фоизга қисқартириш режалаштирилган.

### Харидоргир бозорга йўл

*Германиянинг “Volkswagen” автоконцерни Хитой ҳудудида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интилмоқда.*



Ана шу мақсадда мазкур давлат жанубидаги Фошань шаҳрида ўз корхонасини очди. Бу ерда “Volkswagen Golf” русумидаги автоуловнинг янги авлодидан йилига 30 мингта ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Аслида немис концерни Хитой бозорига ўтган асрнинг 80-йилларида кириб борган. Айни пайтда “кўҳна қитъа”да молиявий-иқтисодий инқироз давом этиб, янги машиналарга талабнинг сусайгани туфайли “Volkswagen” асосий диққат-эътиборини Осиё давлатига қаратишни маъқул кўрди. Чунки бугунги кунда айнан Хитой автомобиль бозори дунёда энг харидоргир бўлиб турибди.

### Сўқмоқдаги ҳодиса

*АҚШнинг Колорадо штатидаги сайёҳлар орасида жуда машҳур бўлган тоғли сўқмоқда бахтсиз ҳодиса рўй берди.*

“CNN” телеканали хабарида айтилишича, Буэна-Виста шаҳри яқинидаги шаршарага борувчилар айнан шу йўлдан фойдаланишади. Мазкур ҳудудда яшовчи Жонсонлар оиласи ҳам эрта тонгда ўша сўқмоқ орқали юришган. Кутилмаганда тош кўчкиси бошланиб, жиддий хатар юзага келган. Вазиятни тезда илғаган оила бошлиғи Грейси қочиш учун имкон йўқлигини англагач, дарҳол 13 ёшли қизини танаси билан ҳимоя қилишга уринган. У буни уддалаган, аммо ўзи нобуд бўлган. Грейсидан ташқари, шу куни унинг тўрт нафар қариндоши ҳам ҳаётдан кўз юмди. Улар Колорадога Миссури штатидан меҳмон бўлиб келишган экан.

### Рекламадан мақсад нима?

*Буюк Британиянинг реклама стандартлари бўйича қўмитаси (ASA) электрон сигареталарнинг айрим брендлари тарғиботига бағишланган роликлар намойишини тақиқлаб қўйди.*



Бунга, жумладан, “E-Lite”, “Sky Cigs”, “Ten Motives” ва “Five Colors” номи остида ишлаб чиқарилаётган электрон тамаки маҳсулотларининг рекламаси бўйича томошабинлар томонидан билдирилган эътироз сабаб бўлган. Изоҳланишича, ана шу тарғибот воситаларини кузатган киши уларнинг мазмунини тўлиқ тушунолмайди, электрон сигареталарнинг таркибида никотин моддаси бор ёки йўқлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлолмайди. Масалан, “E-Lite” рекламасида бир оила — ота-она ва жажжи болакай тасвирланган. Ота тамаки чекиш учун ташқарига чиқиб кетган пайтда фарзанди ўрнидан туриб илк қадамини босиб, рақсга тушади ва яна жойига ўтириб олади. Хонага қайтиб кирган ота “Мен нимани ўтказиб юбордим?” деган жумлани ишлатади. Бор-йўғи шу. Кейинроқ маълум бўлишича, бу компаниянинг шиорига яқин ибора экан.

Қўмита мутахассислари бундай рекламалар ҳатто ёш болалар эътиборини тортиши мумкинлиги учун ҳам мақсадга мувофиқ эмас, дейишмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Янгиланган замонавий меҳмонхона



*Илгариги “Tashkent Palace Hotel” меҳмонхонаси миллий ва замонавий архитектура ютуқлари уйғунлигида реконструкция қилиниб, янгича ном ва қиёфага эга бўлди.*

*“Lotte City Hotel Tashkent Palace” — энди унинг номи шундай.*

*Яқинда мазкур кўркам иншоотнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тақдимотда кенг жамоатчилик иштирок этди.*

ТАҚДИМОТ

Таъкидлаш жоизки, “Lotte City Hotel Tashkent Palace” Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорлиги, маданий мероси ва Тошкент шаҳрининг ўзига хос экскурсия объекти ҳисобланувчи ноёб бинода жойлашган. Шу ўринда унинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, эътироф этиш керак, мазкур маскан, мана, ярим асрдан ортиқ вақт ўтибдики, меҳмонлар хизматида. Айниқса, мустақиллик йилларида унинг нуфузи янада ошди. Буни ўзига хос инфратузилмаси, мустаҳкам моддий-техник базаси, ажойиб интерьерлари, юқори даражадаги меҳмонхона сервиси билан одамларга манзур бўлиб келаётгани мисолида кўриш мумкин.

Албатта, унинг қулай нуқтада жойлашгани сайёҳлар учун ҳам айни муддаодир. Чунки бу манзилни танлаган киши пойтахтнинг кўплаб диққатга сазовор жойларини пиёда сайр қилиши мумкин. Хусусан, Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, энг катта савдо мажмуаларидан бири — “Тошкент” марказий универмаги, Ўзбекистон давлат тарихи музейи, Бадиий академия, Тасвирий санъат галереяси, Амир Темур хиёбони ва бошқа масканлар меҳмонхонага жуда яқин.

“Lotte City Hotel Tashkent Palace” нафақат номи, балки салоҳияти билан ҳам юртимиздаги энг олдинги меҳмонхоналар сафига қўшилди. Яъни у халқаро талабларга тўла мос андозалар асосида таъмирланди, жиҳозланди, кўркамлаштирилди.

Чунончи, ушбу даргоҳда “Lotte” сифат стандартлари, муҳандислик ечимлари жорий этилди. Айни чоғда у ерда олдиндан жой учун буюртма бериш (бронлаш)нинг илғор тизими татбиқ қилинди. Бу эса сайёҳларга қўшимча енгилликлар тақдим этади.

Меҳмонхонада яратилган имкониятлар, шубҳасиз, киши эътиборини тортади. Жумладан, 232 та кенг ва шинам хона бўлиб, кўплаб қулайликларга эга. У ердаги 2 та ресторанда тайёрланадиган тансиқ таомларнинг бетакрор таъми оғизда қолади. Уларда энг моҳир ошпазларнинг пазандалик маҳорати шундоққина билиниб туради.

Ушбу бинода замонавий мажлислар зали ҳам мавжуд. Бу эса бизнес билан боғлиқ катта-кичик учрашувлар, турли тантаналардан тортиб, халқаро конференцияларгача бўлган барча даражадаги тадбирларни юқори савияда ўтказиш имконини беради.

Демак, “Lotte City Hotel Tashkent Palace”ни танлаганлар асло янглишмайди. Ҳар бир меҳмонга алоҳида ёндашув, нозик дид билан таклиф қилинаётган юксак даражадаги хизматлар, ходимларнинг касб маҳорати ҳамда самимийлиги, энг муҳими, шарқона лутфу меҳмоннавозликдан баҳраманд бўлишади.

**С. ҚОСИМЖОНОВ.**

Реклама ўрнида


Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

2013 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ошпазлик ҳамда спорт жиҳозлари, тикув ва чилангарлик устахона жиҳозлари, замонавий компьютер техникалари, йўл ҳаракати қоидаси хонаси жиҳозлари ҳамда мебель жиҳозларини харид қилиш бўйича ўтказилаётган тендер савдоларининг 2, 3, 4 ва 6-лотларига қайта тендер эълон қилади.

**Лот № 2.** Компьютер синфи учун компьютер техникалари (4 142 972 988 сўм).
**Лот № 3.** Ахборот-ресурс маркази учун компьютер техникалари (2 629 130 000 сўм).
**Лот № 4.** Чет тили хоналари учун компьютер ва мультимедиа техникалари (5 476 610 700 сўм).
**Лот № 6.** Тикувчилик устахонаси жиҳозлари (2 133 220 700 сўм).

**Манба:** «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 27 июндаги 124 (5798)-сони, «Народное слово» газетасининг 2013 йил 27 июндаги 124 (5768)-сони, «Правда Востока» газетасининг 2013 йил 27 июндаги 123 (27573)-сони, www.xarid.uz ахборот портали.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш истагидаги талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот учун алоҳида 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг банк реквизитлари:**
Молия вазирлиги ғазначилиги
ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010,
ш/ҳв: 4999 10860 26 280 7950 100 028 001,
ҲККМ Марказий банк бош бошқармаси,
МФО: 00014, ОКОНХ: 92120,
СТИР ғазначилик 201 122 919,
СТИР ЎМКҲТМ 202 515 618.

100095, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.
Телефонлар: (8-371) 246-12-40, 246-12-74.
Факс: (8-371) 246-12-40, 246-12-74.
E-mail: sspo_taminot@markaz.uz

Шунингдек, қўшимча маълумотларни ҳамда харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг www.markaz.uz электрон сайтидан олиш мумкин.

**Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2013 йил 25 октябрь соат 18.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.**

1652А/949






«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

Аукцион савдосига ТИФ «Миллийбанк» бошқарувининг 2012 йил 2 ноябрдаги 62-сонли йиғилиш баённомасига асосан, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Наврўзобод» ҚФЙ, «Бирлик» МФЙда жойлашган, умумий майдони 1,48 гектардан иборат бино-иншоотлар ва сиғим жиҳозларидан иборат мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 619 902 527 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 4 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 1 ноябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулк 2013 йил 4 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 11, 18, 25 ноябрь ва 2 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 11 ноябрдаги савдо учун — 8 ноябрь, 18 ноябрдаги савдо учун — 15 ноябрь, 25 ноябрдаги савдо учун — 22 ноябрь, 2 декабрдаги савдо учун — 29 ноябрь кунлари соат 18.00.

Аукцион ғолиби мулк сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Сотиб олинадиган мулк тўлов суммаси ва ҳисобланган фоизларини ўз вақтида тўлаш мақсадида талабгор томонидан гаров (кафиллик, кафолат, таъминот ва бошқалар) тақдим этилиши шарт.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очиқ аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

1667А/1453

*Лицензия: RR-0001.*


## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРДАН 27 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Божхона транзит режими тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 августдаги 01-02/12-23-сонли қарори.*

**2013 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 577-4 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**

2. «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 30 августдаги 2013-37-сонли қарори.*

**2013 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1724-1 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**

3. «Тугатиладиган корхона мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 сентябрдаги 01/24-26/15-сонли қарори.*

**2013 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-4 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**

4. «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 19 сентябрдаги 89-сонли буйруғи.*

**2013 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 932-2 (2013 йил 1 октябрдан кучга кирди).**

5. «Товарларни автомобиль транспортида божхона назорати остида етказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 августдаги 01-02/12-24-сонли қарори.*

**2013 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 875-3 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**

6. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 12 сентябрдаги 29-Н-сонли буйруғи.*

**2013 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-8 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**

7. «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 13 сентябрдаги 8-сонли буйруғи.*

**2013 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1546-2 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**

8. «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 сентябрдаги 01/20-26/16-сонли қарори.*

**2013 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-6 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**

9. «Божхона омбори» божхона режими тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 26 августдаги 01-02/12-22-сонли қарори.*

**2013 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1318-2 (2013 йил 30 сентябрдан кучга кирди).**


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ҳужжатлар қабул қилади:**

**15.00.01** — *Дори технологияси фармацевтика ишларини ташкил этиш.*

Қалқонсимон без касалликларида қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва фармакоиқтисодий изланишлар; илмий маслаҳатчи Зайнутдинов Х. С., фармацевтика фанлари доктори, профессор.

Ўсимлик ажратмалари асосида яллиғланишга қарши ва тинчлантирувчи дори воситалари технологиясини ишлаб чиқиш; илмий маслаҳатчи Маҳмуджонова К. С., фармацевтика фанлари доктори, профессор.

**15.00.02** — *Фармацевтик кимё ва фармакогнозия.*

Антиаритмик дори воситаларини кимё-токсикологик фармакокинетик жиҳатдан ўрганиш; Алихўжаева М. И., фармацевтика фанлари доктори, доцент.

*Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 256-37-38, 256-39-54.**

1612А/933

«Ulkan bunyodkor» МЧЖ

**барча қулайликларга эга замонавий кўчма уйларни сотади ва буюртмалар қабул қилади.**



*Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Бойкент кўчаси, 32-уй.**
**Телефонлар: (+99890) 326-52-52, (8-371) 262-76-92.**

1608R/901

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

1. Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2013 йил 13 мартдаги 1-902-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳкўчасида жойлашган, фуқаро Бабаханов Абдуламинхон Сайфуллаевичга тегишли, фойдаланиш майдони 392,97 кв.м., қурилиш ости майдони 251,25 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат шохобчаларини ўз ичига олган 2 қаватли тураржой бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 330 521 176 сўм.***

2. Аукцион савдосига Чортоқ тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 24 ноябрдаги 1-397-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Туркистон» МФЙда жойлашган, фуқаро Саттибекмирзаева Манзурахон Холматовнага тегишли, фойдаланиш майдони 115,75 кв.м., қурилиш ости майдони 210,92 кв.м. бўлган ҳаммом, сартарошхона, тикувчилик цехи бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 1 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-369) 227-97-01.**
**rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz**

1669А/1453

*Лицензия: RR-0001.*

«SN INVEST» компанияси

**қуйидагиларни етказиб беради:**

- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер



Маҳсулот сертификатланган.

**Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz**

87R/43

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02


“O`zbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти мутахассиси Муяссар Усмонбековага падари бузруквори

**СОБИРЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# «ЯНА САМАРҚАНДДА КЎРИШГУНЧА...»

*Яқинда Озарбайжоннинг етакчи ижтимоий-сиёсий босма нашрларидан бири — "Зеркало" газетасида "Яна Самарқандда кўришгунча: Самарқанд фестивалида жаҳондаги элликдан зиёд халқларнинг мусиқалари янграderи" сарлавҳали мақола чоп этилди.*

■ ДУНЁ НИГОҲИ

Газетанинг махсус мухбири Зумруд Дадашзада "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалида қатнашган Озарбайжон делегацияси таркибида Ўзбекистонда бўлиб қайтган эди. У ўз мақоласида газетхонларни Самарқанднинг тарихий ўзига хос жиҳатлари билан атрофлича таништиргани баробарида, халқаро мусиқий анжуманнинг ёрқин лаҳзалари, мазкур санъат байрамининг бетакрор шукуҳини завқу шавқ билан тасвирлаган.

"Шарқ тароналари" фестивали тўғрисида фикр юритар экан, журналист ушбу халқаро тадбир таниқли ижрочилар, халқ мусиқасининг етакчи мутахассислари, миллий маданият анъаналарини асраб-авайлашга катта ҳисса қўшган арбоблар, мусиқачилар, йирик санъат анжуманлари продюсерлари ҳамда халқ мусиқаси ихлосмандларини ўз атрофига бирлаштирганини алоҳида таъкидлайди. Муаллиф ёзганидек, мусиқий форумда қатнашаётган мамлакатлар сони йилдан-йилга ортиб бораётир, унинг жуғрофий сарҳадлари эса тобора кенгаймоқда.

Мақолада эътироф этилишича, танловнинг бири-биридан сермазмун кунлари дунё халқларининг ажиб бир сеҳр билан йўғрилган куйлари ҳамоҳанглиги ила ажралиб тургани ҳолда, мухлисларда битмас-туганмас таассуротлар қолдирди.

"Нафақат маҳобатли иншоотлар қад кўтарган Регистон майдонида, балки бутун шаҳар бўйлаб турли жанр, хилма-хил услубга эга бўлган мусиқалар садоси янгради, — деб ёзади З. Дадашзада. — Самарқанд фестивали турли-туман маданиятлар вакилларига ўз анъаналари билан ўртоқлашиш учун ажойиб имконият яратди. Яккахон ансамбль чиқишлари, бастакорларнинг куйлари ва сеҳрли "Шашмақом" садосидан иборат ранг-баранг дастурни намойиш этган ўзбек санъаткорлари эса, ҳар доимгидек, энг юксак таҳсинга сазовор бўлдилар. Регистон майдони саҳнасига чиққан ўзбекистонлик яккахон ижрочилар ҳамда рақс жамоалари ўзларининг бетакрор маҳорати, ёрқин истеъдоди ва гўзалликда беқиёс бўлган миллий либослари билан барчани лол қолдирди".

Озарбайжонлик журналистнинг таъкидлашича, тадбирнинг тантанали очилиш маросими ҳамда фестивалда Президент Ислом Каримов ва ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокованинг иштирок этгани Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами арафасида бўлиб ўтган мазкур халқаро мусиқий анжуманга алоҳида шукуҳ бағишлади.

Шунингдек, мақолада маданий тадбир доирасида "Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида" мавзуида ўтказилган илмий конференция тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Унда замонавий ижрочилик санъатидаги ютуқларни авлоддан-авлодга етказиб бериш, Шарқнинг мусиқий анъаналарини замонавий бастакорлик ижодиётига татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мақола якунида Зумруд Дадашзада "Шарқ тароналари"нинг ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдиради. У ўзининг Ўзбекистонга сафари жуда сермазмун ва сермаҳсул бўлганини газета ўқувчиларига маълум қилар экан, қуйидаги фикрларини қоғозга туширган: "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари мусиқий маданияти соҳасидаги кенг миқёсдаги воқеа бўлди. Икки йилдан сўнг жаҳон санъат усталари дунё халқларининг улкан мусиқий байрамида иштирок этиш учун яна кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандда йиғиладилар".

**«Жаҳон» АА.**
Боку

# Қадимий Илоқ манзаралари

*Мамлакатимиз давлатчилик тарихи чуқур илдизга эга. Ҳозирги Оҳангарон воҳаси ўрнида бўлган қадимий Илоқ давлати ҳам илм-фан, маърифат ва маданиятнинг азалий ўчоқларидан бири сифатида маълуму машҳурдир.*

■ МЕРОС

Яқинда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими буюртмасига биноан, "Илоқнинг боқий мероси" номли илмий-оммабоп фильм суратга олинди. "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамда "Сагафильм" студияси ижодкорлари саъй-ҳаракати билан яратилган видеоасарда Илоқнинг буюк ўтмиши, бетакрор табиати, довруқли конлари, қўли гул уста ва ҳунармандларининг бебаҳо ижод намуналари, шунингдек, бугунги Оҳангарон воҳаси ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Эътиборлиси, бу жамғарма буюртмаси билан тайёрланган иккинчи илмий-оммабоп фильмдир. Бундан сал аввалроқ худди шу ижодий гуруҳ билан ҳамкорликда "Шоҳрухия — Тошкент воҳасининг дурдонаси" номли ҳужжатли картина суратга олинган эди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўқувчининг кашфиёти

*Бугунги кунда турли-туман кўзойнаклар ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ вақт ўтиши билан уларнинг шишаси хиралашиб, шаффофлиги йўқолиши барчамизга маълум.*

■ ИХТИРО

Хатирчи уй-жой-коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Сарвар Бахтиёров кашф этган суюқ кристалли кўзойнак эса кўплаб афзалликлари билан турдошларидан фарқ қилади. Яъни унинг ойнаклари ҳамиша шаффоф сақланиб, батарея қуввати билан 10 йилгача ишлаши мумкин. Қолаверса, ушбу кўзойнак экологик жиҳатдан мутлақо зарарсиз. Фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганда ҳам ундан ҳеч қандай зарарли моддалар ажралиб чиқмайди.

Сарвар жорий йилда "Келажак овози" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар" йўналиши бўйича қатнашиб, республика босқичига йўлланма олди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport



*Самарқанд эшкак эшиш каналида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган ўн бешинчи Осиё чемпионати якунланди.*

*25 га яқин давлатдан 450 нафардан ортиқ спортчи қатнашган мазкур нуфузли мусобақа томошабинларга олам-олам завқ улашди.*

# Осиё чемпионати якунланди

Турнирда вакилларимиз томонидан эришилган ажойиб ютуқлар эса юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўзининг ёрқин самараларини бераётганига яна бир амалий тасдиқ бўлди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 15 та олтин, 15 та кумуш ва 15 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Бунда Вадим Меньков, Герасим Кочнев, Алексей Мочалов, Серик Мирбеков, Екатерина Заркова, Юлия Цой, Темур Ҳайдаров, Темур Мамарозиқов, Артур Гулиев, Владислав Патофеев, Сергей Бухальцев каби спортчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

Иккинчи ўрин Қозоғистон, учинчи ўрин эса Эрон спортчиларига насиб этди.

Чемпионат доирасида паралимпиячилар ўртасида ҳам баҳслар ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз Усмон Кестан олтин, Ўктам Ғайбуллаев эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, шу йилнинг 13-17 октябрь кунлари Самарқандда яна бир нуфузли спорт анжумани — академик эшкак эшиш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати ташкил этилади.

**М. НАЖИМОВ.**

# Футболчиларимиз шижоати

*Пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар (U-16) ўртасида 2014 йилги Осиё чемпионатининг финал босқичи учун саралаш мусобақаси бўлиб ўтди.*

Унда "В" гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон, Фаластин ва Яман ўсмирлар терма жамоалари битта йўлланма учун ўзаро кураш олиб борди. Ўйинлар бошланиши арафасида кўпчилик мухлису мутахассислар ўзбекистонлик ёш футболчиларнинг имкониятини юқори баҳолашаётган эди. Амалда ҳам шундай бўлди. Дастлабки турда фаластинлик рақибларини 9:0, кейин эса яманлик тенгдошларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратган вакилларимиз қитъа чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати 2014 йилнинг 18 сентябрь — 1 октябрь кунлари Таиланд давлатида ўтказилади. Унда қитъамизнинг 16 та терма жамоаси совринли ўринлар ҳамда 2015 йил ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмалари учун ўзаро баҳслашади.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**тайёрлади.**

# Халқаро турнирдаги муваффақият

*Дзюдо бўйича Қозоғистонда ўтказилган "Гран-при" туркумига кирувчи халқаро турнирда терма жамоамизнинг уч нафар аъзоси совриндорлар сафидан жой олди.*

Хусусан, вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида Хуршид Набиев россиялик Ҳусан Холмирзаев ва тожикистонлик Камроншоҳ Устопириённи мағлубиятга учратиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Ўткир Қурбонов (-100 кг.) эса мезбон спортчи Талгат Амренов, тожикистонлик Парвиз Собиров устидан ғалаба қозониб, учинчи ўринни эгаллади. Шуҳратжон Арслонов (-81 кг.) Адилет Миссин (Қозоғистон), Артём Василенко ва Виталий Попович (Украина)ни енгиб, бронза медали билан тақдирланди.

● Реклама ва эълонлар ●










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 087 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5